

## ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН: КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ЎЗARO ХЎРМАТ РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 26-27 март кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ташриф доирасида олий даражадаги музокаралар ҳамда Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари раислигида Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Шунингдек, тадбирлар кун тартибидан Ўзбекистон – Тожикистон дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари ўрин олди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар.

Ташриф давомида бир қатор янги қўшма лойиҳалар ишга туширилди, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Ташриф тафсилотлари билан батафсил қуйидаги QR код орқали танишинг:



## БАҲОР

Қўпдан кутган эдим орзиқиб, мана,  
Булутлар тарқалди тўкишиб кўз ёш.  
Хаёлим осмондай ёришди яна,  
Ёруғ кунларимдай порлади кўёш.

Шошқин дарёларнинг зангордир лаби,  
Шамоллар ўйнайди йироқ-йироқда.  
Юргил, сайр этайлик, юргил, малагим,  
Дунё ташвишлари қолсин узоқда.

Кўряпанми, қандай яшармиш олам,  
Бепарво гўдакдай жилмаяди жим.  
Гўдагим, бу чирой қайтмайди ҳечам,  
Қайтмагани каби менинг ёшлигим.

Бугун бош устингда яшнаган япроқ  
Шовуллаб тўкилар эрта пойингга.  
Бу учқур йўловчи солмайди кулоқ  
Сенинг илтимосинг, сенинг раёингга.

Хазонли августнинг бирор оқшоми  
Уни кўрарсанми тушингда тақрор?!  
Майлига, ўзадир кўзнинг илҳоми,  
Бугун-чи кўз ташла: атрофда баҳор!

Қани, қўлгинангни бергил жимгина,  
Шу мавсум йўлчиға қўйлик ихлос.  
Шоирлар алдайди бизни, жонгинам,  
Баҳор доим эмас, уч ойдир, холос...

ФОТОЭТЮД

## «Дарахтда унган гул»

Эъзога УМУРЗОҚОВА олган сурат

Пластик картани рад  
этганда 2,5 миллион сўм  
жарима қўлланилади

Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун  
ishonch.uz га ўтинг:



Олти ой тўлмасдан  
меҳнат таътили: қонун  
нима дейди?

Бу ҳақда тўлиқ  
маълумот олиш учун  
ishonch.uz га ўтинг:



## 1211 эшитади...

Пойтахтдан Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманига келин бўлиб тушганман. Тақдир экан, кейинчалик икки фарзандим билан ота уйимга қайтиб келдим. Турмуш ўртоғим эса анча пайтгача болаларим таъминотига қизиқмади.

Шундан сўнг алимент ундириш мақсадида уни судга бердим. Суд қарамогимда икки нафар фарзандим борлиги ва бошқа вақтлар билан менинг фойдамга қарор чиқарди. Барибир болаларимнинг отаси алимент пулини тўламади. Мажбурий ижро бю-

## БИР ҚЎНҒИРОҚ БИЛАН МАСАЛА ҲАЛ БЎЛДИ

росидагилар эса шикоятларимга қуруқ ваъда билан жавоб беришдан нарига ўтишмади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат йўллагач, муаммоим тезда ижобий ечим топди. Алимент пуллари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, 34 миллион сўм қарздорлик аниқланди. Шундан 6 миллионини тезда ундириб беришди. Қолган қисми қачон

тўлаб берилишини суриштирганимда қарздорнинг устидан судга даъво-ариза киритилганини, қарздорлик тегишли тартибда босқичма-босқич ундирилишини айтишди.

Агар «Ишонч телефони» бўлмаганида алиментни ундирилмасдим. Касаба уюшмаларига раҳмат!

Наргиза АБДУСАТТОВА  
Тошкент шаҳри

## ЕРДАН ҲАМ, ТАШВИШДАН ҲАМ ҚУТУЛДИ

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги «Ғалаба» маҳалласида яшовчи Шоҳиста Усмонова тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида эди. Шу мақсадда 2022 йил ноябрь ойида аукцион савдолари орқали «Бунёдкор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан 0,54 квадрат метр ер майдонини сотиб олди. Аммо у на дўкон, на маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуришнинг улдасидан чиқди. Оқибатда ер даромад эмас, ташвиш

манбаига айланди. Чунки фойдаланмаётган бўлса-да, майдон учун солиқ тўланиши керак. Шоҳиста Усмонова бу масала хусусида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг аёллар муаммолари билан ишловчи 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилди. Масъулларнинг сайёҳаракати билан ер давлат захирасига қайтарилди.

Алижон АБДУСАТТОВ  
«ISHONCH»

## МУРАККАБ МУҲАНДИСЛИК МЎЪЖИЗАСИ

Ёшуд Бухорода тазарлар – ерости  
«нафас йўллари»ни қайта тиклаш  
зарурати хусусида

3



4

3

ДАВР НАФАСИ ВА  
ИЖОДКОР МАСЪУЛИЯТИ

4



**Агар яхшилик кимга афъолдур,  
Жазоси анинг ганжи иқболдур.**  
Алишер Навоий



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда Пайариқ тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамкорлигида «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, меҳнат миграциясидаги опа-сингиллар ҳолидан хабар олиш ва қайтганларига мақсадли ёрдам кўрсатиш бўйича сайёр қабул ташкил этилди.

Кенгаш раиси Сухроб Рафиқов сўзга чиқиб, юртимизда хотин-қизларга яратилаётган шароит-

## АЁЛ ЎЗ МУАММОСИ БИЛАН ҚОЛМАЙДИ

ларга тўхталди. Аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши, оила аъзоларининг, жумладан, ўзининг соғлиғига ҳам эътиборли бўлиши лозимлигини таъкидлади.

– Бегона юртларда меҳнат қилиш заҳматини мусофирчилик нонини тотганлар яхши билади, – деди Сухроб Рафиқов. – Чет элда ишлашга қонуний тартибда борган киши давлат эътиборида, иши, тураржойи тайин бўлади. Ўз билгича иш

**Сайёр қабул**

**Абдужабборхон НАРЗУЛАЕВ,**  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси маслаҳатчиси

**Сўранг, жавоб берамиз...**

**САВОЛ:** Вақтинча ишсизман. Бир танишим ўзи билан мавсумий юмушларга чиқишимни сўрапти. Хўш, мавсумий ишнинг қонуан белгиланган тартиб-қоидалари борми? Унинг давомийлиги қанча, иш ҳақи қандай тўланади, таътилга чиқиш мумкинми? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Сарвар САЙРИДДИНОВ  
Тошкент вилояти

**МАВСУМИЙ ИШГА ЧИҚСАНМИКАН?..**

**ЖАВОБ:** Мавсумий ишлар деб иқлим ва бошқа табиий шароитлар туфайли муайян давр давомида бажариладиган юмушларга айтилади. Унга доир муносабатлар ҳам амалдаги қонуна билан тартибга солинади. Хусусан, олти ойдан ортиқ давр (мавсум) ичида амалга оширилиши мумкин бўлган айрим мавсумий ишларнинг рўйхати ва унинг давомийлигини Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Мавсумий ишга ходим меҳнат шартномаси тузиш йўли билан қабул қилинса, қонуний ҳисобланади. Ходимлар жалб қилинганда синов муддати белгиланмайди. Меҳнат ҳақи миқдори, вақти ва тартиби меҳнат шартномасида кўрсатилиши шарт.

Мавсумий ходимлар ишнинг ҳар бир ойи учун камида икки календарь кун ҳисобидан ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга.

Агар ёлланма ходим тўлиқ мавсум ишлаган бўлса, унга кейинчалик меҳнат шартномасини бекор қилган ҳолда ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилмайди. Бу ҳолда таътилни охиригун қуни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳақ тўланадиган меҳнат таътили ўрнига ходимнинг хоҳишига кўра, пулли компенсация тўланади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

## ТАЗЙИҚҚА ТОҚАТ ЙЎҚ

Касабаси уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгашида хотин-қизларни таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда турли ташкилот ва идоралар вакиллари, тармоқ раҳбарлари, бошланғич касабаси уюшмаси қўмитаси раислари ҳамда ёш ишчи-хизматчилар қатнашдилар.

Иштирокчиларга яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъминлаш ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги фармоннинг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизларни таъминлаш ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида амалга оширилган ишлар ва эри-

шилган натижалар ҳақида маълумотлар берилди.

Таҳлилларга кўра, 11 минг 404 та таъзиқ ва зўравонлик ҳолати аниқланиб, жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордери расмийлаштирилган. 5 минг 400 та оила яраштирилиб, 5 минг 442 та низонинг келиб чиқиш сабаблари бартараф этилган.

Ҳимоя ордери олганларнинг 141 нафари вояга етмаганлар, 2613 нафари ёшлар, 5958 нафари эса 30 ёшдан ошган аёллардир. Зўравонлик ҳолатларининг катта қисми оилаларда, 773 таси кўчада, 104 таси жамоат жойларида содир этилган.

Шунингдек, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази» ҳамда унинг ҳудудий бўлиmlари орқали амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу мар-



**Давра суҳбати**

казларга оилавий муаммолар ёки зўравонликка дуч келган 42 нафар аёл жойлаштирилган бўлиб, 31 нафари учун ҳимоя ордери муддати бир йилгача узайтирилган.

Йиғилиш иштирокчилари таъкидлаганидек, бундай тадбирлар жамиятда ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар

ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар самардорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Достонбек Жўраев,**  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Тадбир**

Даврадаги ўзаро суҳбатлар баҳс-мунозараларга айланди. Ўртага ташланган «Аёллар илми бўлиши шартми?» деган саволга ҳар ким ўзича жавоб берди.

## «ИЛМ ИСТАНГ, ИЗИНГИЗДАН ИБРАТ ЁҒСИН»...

Тошкент кимё технология институтининг Янгиер филиалида таҳсил олаётган талабаларнинг 1106 нафари қизлар. Уларнинг билимли ва илм-маърифатда пешқадам бўлишлари учун тез-тез давра суҳбатлари, семинарлар ва тадбирлар ўтказилади. Навбатдаги шундай тадбир ҳам баҳс-мунозараларга бой бўлди.

– Талабаларга 64 нафар аёл сабоқ беради, – дейди касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Шаҳноза Назарова. – Улардан 25 нафари профессор-ўқитувчилар. Бу жамоамизда илми аёллар сафи тобора кенгайиб бораётганини аниқлади. Институтимизнинг Рақамли технологиялар кафедрасида ишлаётган Юлдуз Аккулованинг талабалар учун мўлжалланган олий математика фани бўйича дарслиги ҳамда иккита ўқув қўлланмаси, халқаро журналларда 20 дан ортиқ мақолалари чоп этилган. Устоз изланишдан, билиминин бойитишдан асло тўхтамайди. Жамоамизда билими кучли йигит-қизлар ҳам жуда кўп.

– Аёллар учун таълим олиш ҳуқуқи – инсоний (гендер) тенглик ва адолат ифодасидир, – деди ЎКУФ Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат-ҳуқуқ инспектори Ширинхон Умаралиева. – 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Тараққиёт стратегияси»да хотин-қизларнинг таълим олиши муҳим йўналиш сифатида белгиланган. Шунга кўра, талаба-қизларни илм-фанга жалб этиш, ўз устида изланишларини қўллаб-қувватлаш, жўяли йўл-йўриқлар кўрсатиш ва касбий фидойилигини ошириш, иқтидорларини рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун эса, шоир айтганидай, «Илм истанг, изингиздан ибрат ёғсин»...

Рухшунос Сурайё Ниёзованинг суҳбати даврадаги хотин-қизларга ўзгача шижоат бахш этди.

– Истеъдодингизни, билимингизни намоён қилишдан ҳеч қачон қўрқманг, – деди у. – Илми аёл оқил фарзандларни камолга етказди. Олимлар жуфт танлашда аёлнинг билимли бўлиши, дунёқараш кенглиги муҳим эканини исботлаган. Чунки боланинг 7 ёшига қадар асосий таълим ва тарбия берувчиси онаси бўлади. Отадан қон, жисм ўтса-да, тафаккур онадан ўтади. Демак, аёлларнинг илми бўлишини доим қўллаб-қувватлашимиз даркор.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА**  
«ISHONCH»

Андижон давлат педагогика институти жамоасидаги ижтимоий-маънавий муҳитга кўплар ҳавас қилади. Чунки жамоада, аввало, ички меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳужжатлар ҳар томонлама пишиқ-пухта бўлишига жиддий эътибор қаратилади. Белгиланган қонуний тартибларга эса раҳбардан тортиб энг кичик ходимгача бирдай амал қилади. Иккинчидан, иш берувчи ва касабаси уюшмасининг ўзаро ҳамкорлиги, жамоа аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси борасидаги жиддий саъй-ҳаракатлар боис меҳнат унумдорлиги ҳам ҳавас қилгулик даражада.

## КАСАБАҚЎМДАН ҲАМ, ИШ БЕРУВЧИДАН ҲАМ ЁЛЧИГАН ЖАМОА

Бу фикрлар институтда 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси ҳамда 2026-2028 йилларга мўлжалланган шу турдаги янги ҳужжатни қабул қилишга бағишланган йиғилишда ҳам қайд этилди.

Таълим муассасасида 723 нафар киши меҳнат қилади. Бошланғич касабаси уюшмаси қўмитаси иш берувчи томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек, мазкур шартнома талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш жойларида доимий равишда амалга ошириб келмоқда. Бу соҳада институт маъмурияти меҳнат қонунчилиги талаблари асосида ходимларнинг меҳнат фаолиятини муҳофаза қилиш бўйича касабаси уюшмаси қўмитасини ҳар та-



рафлама қўллаб-қувватлаб, барча меҳнат низолари бўйича тузилган ишчи гуруҳларга аъзо сифатида киритган. Ходимларни рағбатлантириш ёки жазо чораларини қўллаш уларнинг ҳулосаси асосида амалга оширилади.

Бошланғич қўмита томонидан хо-

димларнинг санаторийларда даво-ланишлари учун йўлланмалар олиш, меҳнатқашлар фарзандлари болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини ташкил этиш, жамоа аъзоларини ички туризм бўйича саёҳатга юбориш, юбилей саналарини нишонлаётган ҳамкасбларни

**Йиғилиш**

тақдирлаш, заруратга кўра, эҳтиёжманд аъзоларга моддий ёрдам акратиб каби қатор йўналишларда адолатли иш тутуми ҳамиша устувор.

Бирор муҳим сана йўқки, жамоа иштирокида кўтаринкилик билан нишонланмаган, мазкур тадбирларда фаол қатнашчилар муносиб рағбатлантирилмаган бўлса! Наврўз ва Мустақиллик тантаналари, Ўқитувчи ва Мураббийлар кунини, Ўзбек тили байрами, касабаси уюшмалари кунини каби қатор байрамлар муносабати билан ташкил этилаётган спорт мусобақалари, маънавий-маърифий, интеллектуал тадбирлар, шунингдек, талабалар ётоқхонасида яшовчи йигит-қизлар билан ўтказилаётган «Китобхонлик маданияти», «Шеърят кечаси», «Мен севиб ўқиган китоб» шиори остидаги кечалар шулар жумласидандир. Йил давомида жамоа шартномасида қайд этилган шу каби ишлар учун институт томонидан 190 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилган.

Йиғилишда бошланғич қўмита раиси Мавлуда Алимова ҳамда институт ректори Вахтиёр Расуловнинг ҳисоботлари тингланиб, қизгин муҳокама этилди. Сўнгги 2026-2028 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси қабул қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари Нодира Абдураҳмонова, тармоқ касабаси уюшмаси вилоят кенгашининг раиси Севара Ҳошимова иштирок этди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ**  
«ISHONCH»

## СУД ҚАРОРИ ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛДИРИЛДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти суди судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси жавобгар корхона томонидан берилган шикоятни рад этди.

Маълум бўлишича, фуқаро Мирзажон Очилпўлатов 2022 йил 4 июль кун «Барака Тош Кум» МЧЖдаги ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисага учраган. Оқибатда чап

қўли оғир жароҳатланган ва тиббий ҳулосага кўра, меҳнат қобилиятининг 55 фоизини йўқотган.

Шундан сўнг даъвогар корхона устидан судга мурожаат қилиб, моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўради. Фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судининг 2025 йил 23 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилди. Яъни жавобгар «Барака Тош Кум» МЧЖдан ходим фой-

дасига 78 миллион 532 минг сўм компенсация, 13 миллион 446 минг сўм моддий зарар, 25 миллион сўм маънавий зарар ҳамда 5 миллион сўм адвокат харажати ундирилиши белгиланди. Шунингдек, корхона зиммасига даъвогарга ҳар ойда 522 минг 648 сўм миқдорда тўловни амалга ошириб бориш мажбурияти юклатилди.

Жавобгар корхона ушбу қарордан норози бўлиб, апелляция, кейинчалик

тафтиш тартибида шикоят киритди. Бироқ тафтиш инстанцияси аввали суд қарорлари қонуний ва асосли қабул қилинган, деган ҳулосага келиб, шикоятни қаноатлантирмади.

Албатта, пул аччиғи – жон аччиғи. Шу боис иш берувчи анча вақтгача компенсация, моддий ва маънавий зарарни тўлашни хоҳламади. Қолбуки, меҳнат қонунчилигига кўра, иш берувчи хавфсиз ва соғлом меҳнат шаро-

**Касабаси уюшмаси аралашгач...**

итини яратиши шарт. Агар ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса содир бўлиб, ходимнинг соғлиғига путур етса, етказилган моддий ва маънавий зарар қонун доирасида тўлиқ қопланиши керак.

**Мирзаномир ҚОРАБОВЕВ,**  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашининг меҳнат техник инспектори

Дунё инсон учун керак — одам унинг асл моҳиятини тушуниб олиш учун яратилган, шу боис ҳам дунё турибди.

Чингиз Айтматов

Долзарб мавзу

«Ishonch» саволи МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИГА!

# МТТЛАРДАГИ ЗАҲАРЛАНИШЛАРГА КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ БЎЛМИШ БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК, ЭЪТИБОР, ХУСУСАН, МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЖОНЛАРНИ ОВҚАТЛАНТИРИШ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Фактларга мурожаат қилсак, 2025 йилнинг сентябрида Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ, Оққўрғон, Пискент ва Бўка туманларидаги боғчаларда 2 мингдан зиёд болалар заҳарланган. Утаётган йил 21 февралда эса, Фарғона шаҳридаги учта давлат боғчасидан 62 нафар бола шифохонага ётқизилган.

Албатта, бу каби аянчли ҳолатлар ижтимоий тармоқларда қизғин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Узоқ йиллар боғчада ҳамшира бўлиб ишлаган Андижон вилояти, Избоскан туманида яшовчи Маъмурон Мирзаеванинг айтишича, бир сафар боғчага истеъмолга мутлақо яроқсиз, ичи қорайиб кетган тарвузлар келтирилган. Бошқа сафар эса музлаган, ириган олмаларни «ихтиёрий равишда» қабул қилиб олишган экан.

Мақтабгача ва мактаб таълими вазириликка саволларимиз қуйидагича:

МТТларда болаларнинг овқатланишига мутахассислар, яъни педиатр-шифокорлар, тажрибали диетологлар жалб этилиши керак эмасми?

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, МТТлардан асариятнинг меъносини углеводга бой егуликлар, шакар, ун, макарон ва маргарин каби маҳсулотлар ташкил этади. Менюларда таомлар деярли бир

хил, хилма-хиллик йўқ. Ушбу маҳсулотларнинг кўп миқдорда берилишининг тарбияланувчиларга фойдасидан кўра зиёни кўплигини ҳам биламизми? Шу нуқтаи назардан қараганда, боғчалар менюсини кичкинтойлар организми учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитиш вақти келмадими?

Бизнинг иқлим шароитимизда озиқ-овқатлар тезда истеъмолга яроқсиз ҳолатга келади. Бунинг олдини олиш учун озиқ-овқат тайёрланадиган, сақланадиган ташкилотлар ва охириги манзил — болалар боғчалари етарли даражада совиткичлар билан таъминланганми?

Яна бир оғрикли муаммо: болалар боғчаларида ҳаминқадар ойлик маошга ишлаётган (уларнинг кўпчилиги уй бекалари) ошпазларни махсус ўқитиш зарур эмасми? Шунингдек, соҳада шаффофлик этишмаётгани ҳам бор гап. Ҳолбуки, ота-оналар ва кенг жамоатчилик боғчада берилётган таомлар сифати ва таркиби ҳақида исталган вақтда тўлиқ маълумот олиш имкониятига эга бўлишлари керак. Тизимни очиб ва жамоатчилик назоратига тайёр ҳолатга келтириш бўйича амалий қадамлар қачон ташланади?

Анваржон ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»

Фарзандларимизнинг орзу ва интилишлари фақат оилада эмас, балки боғча ва мактабга қадим қўйганидан кейин янада яққол намоён бўлади. Чунки бу босқичда улар таълим-тарбия олиш жараёнига киришадилар. Юклагани аста-секин ортиб боргани сайин, шахс шаклланишида муҳим ўрин тутувчи омиллар — ирсият, муҳит ва ахлоқ ҳам ўз йўлини тизимли, илмий асосланган талаблар орқали топа бошлайди.

Педагогикада мактабгача ва бошланғич таълимда шахс шаклланиши, асосан, бола ўқийётган дарсликлар ва қўшимча материалларни қандай ўзлаштираётганига боғлиқ, деб қаралади. Лекин амалда шундай ҳолатлар ҳам борки, илмий изланишларда таълим жараёнида қўлланилмайдиган, ҳаётга яқин бўлмаган тушунчалар илгари сурилади. Улар таълим мазмунига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаса-да, «янгилик» сифатида тақдим этилади. Шунинг учун таълим мазмунини ўзгартиришга таъсир қилиши мумкин бўлган айрим фикрларни танқидий кўриб чиқиш зарур.

Инсон ҳаётда муваффақиятга эришиши учун, энг аввало, учта асосий фан имкониятларини кенгайтириш жоиз. Бу — тил, математика ва биология. Шу нуқтаи назардан қараганда, мактабгача ва бошланғич таълим мазмунини, яъни ўқув режаси, дастур, фанлар ва уларга мос адабиётларни қайта кўриб чиқиш зарурати бор. Масалан, оддий арифметик амаллари, инсон танаси тузилиши асосларини ёки ёшига мос сўз бойлигини билмасдан туриб, асар ёзиш болалар адабиётининг камчилигини кўрсатади. Шу билан бирга, бугунги кунда «шахсга йўналтирилган таълим» деган тушунчанинг киритилиши ҳам тушунарсиз. Бу аввалги таълим

# ТАЪЛИМ МАЗМУНИДА МАНТИҚ МУҲИМ

ёхуд педагогик таълим ҳақида ўйлар

бошқа нарсага қаратилгандек таассурот уйғотади.

Аслида таълимни ривожлантириш учун асосий эътибор билим, кўникма ва малакани шакллантиришга йўналтирилиши керак.

Узлуксиз таълимда дастлабки қадамларни тўғри қўйиш учун оила, маҳалла ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан таълим ўртаклари фаол алоқа бўлиши зарур. Бу жараёнда фақат келишиб эмас, балки тортишиб, фикр алмашиб ишлаш муҳим. Чунки айнан шу орқали инсон касбий фаолиятга тайёрланади. Тажриба шунни кўрсатдики, деярли барча касблар маълум даражада математик тушунчаларга боғлиқ. Ҳатто «синус», «косинус» каби тушунчалар ҳам ҳаётда тилга кам олинса-да, уларсиз қўплаб мураккаб ишлар амалга ошмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрь кунги Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида таъкидланганидек, касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш 2026 йил учун дастуриимизнинг тўртинчи устуви йўналишидир.

Мурожаатномада мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида — касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарурлиги таъкидланиб, бу йўналишдаги амалий қадамлар аниқ кўрсатилган. Шу нуқтаи назардан, касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратишда педа-

гогика фанини ҳаётга татбиқ этиш учун унинг умумий тушунчалари ва асослари, таълим амалиёти ва уни бошқариш масалаларини мукамал ўзлаштириш керак. Ўқув режа, ўқув дастур ва ўқув фан (модул)ларини ишлаб чиқишга оид қоидалар ва қонун ҳужжатларини ўзлаштириш ҳам ўта муҳим.

Бунда эски «синф — дарс» тизимини тубдан ўзгартириш ва «шахс манфаатига йўналтирилган таълим» тизимини жорий этиш зарур. Умумий ўрта таълим мактабларида фанларни касбга мослаштиришни қайта илмий асослаш лозим. Масалан, бола ёшлик даврида ўрганидиган амалий малакаларга мос тушунчаларни бошланғич синфларда қизиқарилиш ва манзилли, юқори синфларда эса фанлар орқали чуқурлаштириб кенгроқ ўқитиш жоиз. Мактабгача ва бошланғич таълим соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлаш жисмоний тарбия, тасвирий санъат ва мусиқа каби амалий кўникмаларга асосланган фанлар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Физика, кимё, техника ва кишлоқ хўжалиги фанлари ҳам ҳаётини мисоллар орқали тушунтирилиши даркор.


Узлуксиз таълимнинг бarchа босқичларида ижодий ишлар, курс ишлари ва турли топшириқли ўқув юктамалари мавжуд. Бу жараёнда педагогик таълим соҳаси учун тайёрланаётган кадрлардан илмий мақолалар ёзиш, илмий изланишлар натижаларини ўрганиш ва амалиётда қў-

лаш талаб қилинади. Шу орқали таълим олувчиларни илмий ва ижодий фикрлашга ўргатиш мумкин. Миллий малака рамкаси жорий қилингани таълим ва меҳнат бозорини боғлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, касбий стандартлар, таълим дастурлари ва баҳолаш воситаларига ягона талаблар жорий этиш имконини берди. Бу тизим инсоннинг малакасини аниқ кўрсатиб, унинг касбий йўналишини белгилайди ва ишга қабул қилиш, малака даражасини ошириш ва мартаба ўсиши учун шарт-шароит яратади.

Таълимни молиялаштиришда ҳам янги ёндашув зарур. Ота-оналар билан шартнома асосида ишлаш орқали таълим сифати учун масъулият оширилади. Баҳолаш тизими фақат рақам қўйиш эмас, балки боланинг келажакини белгилаш воситаси бўлиши керак. У шаффоф, адолатли ва касбий йўналишни кўрсатувчи бўлиши лозим. Таълим мазмуни ва баҳолашда ягона талаблар жорий этилса, болалар ўз билим ва кўникмалари асосида келажак касбини аниқ танлай олади.

Мухтасар айтганда, мактабгача ва бошланғич таълимда энг муҳим вазифа болага аниқ, тушунарли ва ҳаётга яқин билим беришдир. Агар шу мақсадга эришилса, таълим тизимида сифат ва натижа ҳам ўзгариши мумкин.

Қаюм БАЙМИРОВ,  
педагогика фанлари номзоди,  
доцент,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси



Бухоро тупроғининг ҳар қатига асрлар оша шаклланган иккинчи бир «маҳфий шаҳар» нафас олади. Биз бугун кўриб турган маҳобатли мадраса ва масжидлар аслида мустаҳкам ерости тизимлари — тазарлар ва дренаж тармоқлари устига қурилган бўлиб, улар шаҳарнинг узоқ умр кўришини таъминлаган ноёб муҳандислик мўъжизаларидир. Қадимий Бухоро меъморлари шаҳарни фақат еростида эмас, балки ерости билан узвий боғлиқликда барпо этишган. Улар бағоят мукамал бўлиб шаҳар иқлимини мўътадиллаштириш билан бирга, мудофаа ва тозалик вазифасини ҳам бажарган.

Тарих фанлари доктори, Бухоро давлат университети профессори Ҳалим Тўраевнинг қайд этишича, шаҳарнинг ерости тизимлари ҳақидаги тасавурлар ҳали ҳам тўлиқ эмас. Археологик қузатувлар пайтида тасодифан очилиб қоладиган йирик тазарлар халқ орасида кўпинча маҳфий ерости йўллари сифатида талқин қилинади. Аслида эса асариятчи шаҳарнинг канализация ва сув айланishiга хизмат қилган мураккаб гидротехник иншоотлар бўлган.

Бу тизимлар вақт ўтиши билан ёпилиб кетиши ёки нотўғри таъмирланиши натижасида ерости сувлари сатҳи кўтарилиб, бугунги кунда тарихий деворларнинг шўрланиши ва емирилишига сабаб

# МУРАККАБ МУҲАНДИСЛИК МЎЪЖИЗАСИ

ёхуд Бухорода тазарлар — ерости «нафас йўллари»ни қайта тиклаш зарурати хусусида

бўлмоқда. Биз ерости сувлари муаммоси деб атайдиган масала аслида аждодларимиз яратган ўша мукамал тизимларнинг йўқотилиши оқибатидир.

Бухоронинг ерости тизимлари шунчаки сув йўллари ёки дренаж тармоқларидан иборат эмас эди. Улар энг оғир дамларда — қамал ва урушлар пайтида шаҳарнинг тирик қолишини таъминловчи муҳим стратегик қалқон вазифасини ўтаган.

Арк қалъасидан бошланиб, шаҳарнинг турли чеккаларига, ҳатто ташқаридаги рабобларга қадар қўзилган яширин ерости йўллари мавжуд бўлгани ҳақида халқ орасида қўплаб ривоятлар юради. Бироқ олимлар бу масалага эҳтиёткорлик билан ёндашиш кераклигини таъкидлашади. Профессор Х.Тўраевнинг фикрича, баъзан археологик қазишмалар чоғи топилган катта тазарлар одамлар томонидан ерости йўли сифатида қабул қилинади, аммо аксарият бундай мақсадда қурилмаган. Масалан, Арк деворлари таъмирланаётганда шарқий қисмида топилган тазар ҳам дастлаб маҳфий йўл деб тахмин қилинган, аммо унинг ўлчамлари одам тик юриб ўта оладиган даражада эмаслиги бу фикрни рад этади.

Айни ҳолат ерости тизимларининг аҳамиятини камайтирмайди. Аксинча, улар шаҳарнинг муҳандислик тарихини англашда жуда муҳим манба ҳисобланади. Тарихий ҳужжатларда қайд этилишича, Бухоро шаҳрида ерости сув тармоқлари анча эрта даврлардаёқ шакллана бошлаган. Тазар тизими тахминан X асрлардан бошлаб кенг қўлланиладиган бўлган. Кейинги асрларда эса шаҳар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган.

Тазар — «ерости сув тармоғи» ёки «қувур» маъносини англатади. Шунингдек, «тозаланмоқ» сўзи сифатида ҳам ишлатилади. Бу унинг асосий вазифаси шаҳарни тозалаш ва сув айланishiни таъминлаш бўлганини билдиради.

Бухорода тазарлар иккита асосий мақсадда ишлатилган. Биринчиси — ҳовузларни бир-бири билан боғлаш ва уларни тоза сув билан таъминлашдан, иккинчиси — бинолардан чиққан оқава сувларини шаҳар ташқарисига йўллашдан иборат бўлган.

Қадимий Бухоро меъморлари сувни ҳаракатда сақлаш тамойилига қаттиқ амал қилишган. Масалан, шаҳар ҳовузлари 1929 йилгача Шохруд ариғидан тазарлар орқали сув олиб турган. Бу тизим сув туриб қолмаслигини, айланиб туришини таъминлаган. Шаҳарда мадрасалар, масжидлар ва ҳаммомлар қанчалик кўп бўлса, тазарлар тармоғи ҳам шун-

чалик кенг бўлган. Масалан, Мир Араб мадрасаси тазари шаҳар ташқарисига чиқиб, «Темур захкаш» гача етиб борган.

Айрим тазарларнинг ўлчамлари анча катта бўлган. Саррофон ҳаммоми тазарининг эни тўрт, баландлиги уч газ атрофида эканлиги қайд этилади. Бироқ аксарият тазарлар бир хил стандартда тахминан бир метр кенглик ва баландликда қурилган.

Ҳаммомлардан чиққан сувлар еростида барпо этилган махсус сув ютувчи жойларга тушган ва кейин тупроққа сингиб кетган. Бу тизимда пишиқ ёғиш, туг дарахти ёғочи ва қора оҳак каби мустаҳкам материаллар ишлатилган. Шу сабабли уларнинг айрим қисмлари бугунги кунгача сақланиб қолган.

Тарихий манбаларда яна бир қизиқ факт келтирилади. XV асрда машҳур шайх Хожа Аҳрор Бухорода иккита йирик ҳаммом қурдирган. Улар ҳам тазар тизими орқали ишлаган. Афсуски, XIX аср охири ва XX аср бошларида шаҳарнинг янгидан режалаштирилиши, шунингдек, совет давридаги тартибсиз қурилишлар оқибатида тазарларнинг катта қисми ёпилиб кетди ёки бутунлай йўқ қилинди. XX асрнинг иккинчи ярмида ўтказилган сув қувурлари ва канализация тизимлари ҳам кўп ҳолларда кўҳна тазарлар йўлини кесиб қўйди. Натижада сув табиий йўналишини йўқотиб, тупроқ остида тўплана бошлади. Бугунги кунда Бухоронинг тарихий обидалари пойида қузатилаётган захлик ва шўрланиш айнан ўша қадимий ер ости «нафас йўллари» ёпилиб қолиши билан боғлиқ.

Бухорони захдан қутқариш учун аждодларимиз яратган табиий дренаж тизимларини қайта тиклаш зарур. Ер остидаги тазарларни тозалаш, уларнинг оқимини тиклаш ва сув айланishiни табиий ҳолга қайтариш тарихий обидаларни сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга.

Бухоронинг еростидаги «кўзга кўринмас томирлари» яна нафас ола бошласа, шаҳардаги обидалар ҳам асрлар давомида барқарор туриши мумкин. Зеро, Бухоронинг ҳақиқий қудрати фақат унинг кўзга кўринган гўзалликларида эмас, балки еростида қурилган, асрлар синовидадан ўтган муҳандислик заковатида ҳам намоён бўлади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА  
«ISHONCH»

Мозий садолари



# «ҚАФАС»ДАГИ ДАРАХТЛАРНИ КИМ ҚУТҚАРАДИ?

Ўртимизда дарахт ва кўчатлар экиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон тумани ҳам бу жараёндан четда қолмаяпти, жойларда янги ишил маконлар барпо этилмоқда. Албатта, бу қувонarli. Аммо туман марказида жойлашган истироҳат боғи атрофидаги кўп йиллик чинорларнинг таг қисми асфальт ва бетон қопламаси билан ёпиб ташланганини кўриб, мақсад дарахт экиши ёки уни нобуд қилиши, деб ўйлаб қоласиз.

Бу ҳам етмагандек, истироҳат боғи атрофида савдо шохобчалари қурилгач, айрим дарахтлар дўкон ичида қолди. «Қафас»да қолган дарахтларнинг тақдири ҳам дўкон эгасининг қўлида қолгандек гўё. Манзарадан кўринадики, дўкон ичидаги дарахтларнинг соғлом ўсишига йўл қўйилмаган, у худди «декартив»га айлан-тирилгандек. Энди ўйлаб кўринг, танаси куёш нуридан маҳрум бўлган, кўзга хуноқ кўринмаслиги учун ҳар қўйга солинган дарахт кўнга бормаслиги тайин-ку?

Юқоридаги ҳолатдан туман экология бўлими хабардорми? Савдо шохобчалари қуришдан аввал қандай талаблар қўйилган? Дарахтларни дўкон ичида қолдириш қанчалик тўғри?

Таг қисми бетонлаб, асфальтланган ва дўкон ичида қолган дарахтлар туман ҳокимлигидан нари борса, 300 метр узоқликда жойлашган.

Чинорлар — фақат кўркамлик рамзи эмас, балки табиат ва инсон саломатлиги билан боғлиқ муҳим омилдир. Ҳар бир дарахт — туман аҳолиси учун соғлом муҳит ва тоза ҳаводир. Агар табиатни асраб-авайламасак, миллионлаб дарахт экишдан ҳам маъно йўқ.

Ўйлаймизки, туман мутасаддислари ҳали чинорлар қуриб қолмасидан мазкур ҳолатни назоратга олишади.

Жамшид ЭРҒАШЕВ  
«ISHONCH»

**Илм ила кимнинг дили равшан эрур,  
У замон ичра саломат тан эрур.**

**Фаридиддин Аттор**

**Мутолаа**

**Назм**



# Эзгулик боғбони

**Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи  
мажмуаси янгича қиёфа касб  
этиши муносабати билан**

*Бугун юртнинг Ўзбекистон номи янги,  
Ҳар бир қуни, ҳар соати, они янги,  
Чирой очар манзиллари, тонги янги,  
Аҳли элин тафаккури, онги янги.*

*Янгиланиш кириб келди Хартанга ҳам,  
Қутлуғ маскан касб айлади янги ҳашам,  
Бунда ҳадис ҳикматлари этилган жам,  
Ундан ибрат олса арзир бутун олам.*

*Улуғ зотнинг хоки қўним топган даргоҳ,  
Ўйламанг-ки, фақатгина зиёратгоҳ,  
Унда жамдир замонавий устурлобда  
Ҳам суннати, ҳам сийрати Расулуллоҳ.*

*Янгиланган маҳобатни қузатиб жим,  
Аждодларга войибона қилиб таъзим,  
Ҳадис илми султонининг ҳаёт йўлини  
Сизга баён айламоққа этдим жазм:*

*Гўдакликда отасидан маҳрум бўлган,  
Уч ёшида кўзи ожиз бўлиб қолган,  
Олти ёшда у Қуръонни ёддан билган,  
Аллоҳ раҳмат назарини солган бобом.*

*Волидасин дуолари далда бўлди,  
Тангри берган мўъжизадан кўз очилди.  
Болаликдан илм йўлини собит билди,  
Раббисига дилдан ихлос қўйган бобом.*

*Илм истаб, ҳадис излаб кезди жаҳон,  
Авал Макка, сўнг Мадина, Ироқу Шом,  
Ҳижоз эли, Миср, Нишотур ва Хурсон,  
Мақсадлари тоғдан юксак бўлган бобом.*

*Олти юз минг ҳадисни у ёзиб олди,  
Уч юз мингта ҳадисни у ёддан билди,  
Ҳадислардан юз мингтаси саҳийҳ деди,  
«Ал-Жомий ас-Саҳийҳ»ни тузган бобом.*

*Тасниф этиб Расулуллоҳ сийратларин,  
Ахлоқлари, юмушлари – суннатларин,  
Ўз ўрнига қўйиб матн сандаларин,  
Мухтасар бир асар – китоб қилган бобом.*

*Ушбу китоб Қуръондан сўнг тургани-чун,  
Бани одам ундан ибрат олгани-чун,  
Кенг оламни тўғри йўлга солгани-чун  
Имон аҳлини эҳтиромин олган бобом.*

*Вақти келиб эрк шамоли эсди элда,  
Бобом илми ўрин олди ҳар бир дилда,  
Сағй бошланди бобом ётган шул манзилда,  
Юртга қайтиб, руҳи шодон бўлган бобом.*

*Бобом – фаҳрим, ҳадис илмин султони дидир,  
Бутун дунё имомларин имомидир,  
Эзгуликдан бов яратган бовбонидир,  
Ўша боғи менга илҳом берган бобом.*

**Каримқул МАВЛОНОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**Замонимиз шундай тезлик билан ўзгармоқдаки, у билан баробар қадам ташлашга улгурмай қолаётган-декмиз. Бугунги дунёда ахборот оқимлари тўлқини ичра китоб мутолаасига, теран фикр ва мулоҳаза юриштишга вақт топиш ҳам осон эмас. Бироқ айнан ана шундай пайтда сўзининг қадри, қаламқашнинг масъулияти янада ортади. Чунки ҳар бир давр ўзининг маънавий солномасини талаб қилади.**

**Т**арих шундай қонуниятга эга: катта ўзгаришлар даврида фақат сиёсатчилар ёки давлат арбоблари эмас, балки қалам соҳиблари ҳам майдонга чиқади. Улар юз бераётган воқеаларни қайд этиб қўйиш билан чекланмайди. Уларнинг вазифаси – замоннинг руҳини англаш, унинг мазмун-моҳиятини одамлар қалбига етказиш, эртанги авлод учун маънавий из қолдиришдир.

Бугунги Ўзбекистон ҳам ана шундай тарихий палани бошдан кечирмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юз бераётган янгиланишлар, ислохотлар, одамлар ҳаётидаги янги имкониятлар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудиди намоён бўлмоқда. Бу жараёнларни кўрмаслик мумкин эмас. Аммо уларни теран англаш, маъноси ва аҳамиятини очиб бериш бу алоҳида ижодий жасорат талаб қиладиган вазифадир.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, адиб ва журналист Абдусайд Қўчимовнинг «Юксалиш симфонияси» китоби ана шу давр руҳидан тугилган асардир. **БУ КИТОВНИ ҚЎЛГА ОЛИБ, ВАРАҚЛАР ЭКАНМАН, УНГА КИРИТИЛГАН МАҚОЛАЛАРНИНГ ҚЎЛЭЗМАЛАРИ ЁДИМГА КЕЛДИ. АХИР МУАЛЛИФ БУ ҚЎЛЭЗМАЛАРНИ НАШР ЭТИШ УЧУН «ХАЛҚ СЎЗИ» ТАХРИРИЯТИГА МУРОЖААТ ЭТГАН ВА БИЗ УЛАРНИ МАЪЛУМ БИР ДИЗАЙНГА СОЛИБ, ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАВОЛА ҚИЛГАНДИК. УЛАРНИНГ ҲАР БИРИНИ ГАЗЕТХОНЛАР КЎТАРИНКИ РУҲДА КУТИБ ОЛГАНИ, МАҚОЛАЛАРГА ЮРТИМИЗНИНГ ТУРЛИ ҲУДУДЛАРИДАН МУНОСАБАТЛАР КЕЛГАНИ КЕЧАГИДЕК ЭСИМДА.**

Энг муҳими, хозир китобни мутолаа қилар эканман, қўлэзмаларни ўқиганимдаги хиссиётлар, ҳаяжонлар, кўтаринки руҳ бутун вужудимни яна бир бор чулба олди. Хаёлимда бир савол қайта-қайта янгради: ижодкор қалбини бедор этган куч нима? Ижодкор фитратидаги ватанпарварлик, эл-юрт тақдирга дахлдорлик, қуюнчаклик, фидойилик фазилатлари эмасми?!

Абдусайд Қўчимов билан танишганимизга ярим асрдан ошди. Биз тез-тез суҳбатлашиб тураемиз. Бу диллашуларда, албатта, бугун Президентимиз томонидан Янги Ўзбекистонни бунёд этиш борасида олиб борилаётган ишлар, шаҳару қишлоқларда юз бераётган бетимсол ўзгаришлар, уларга монанд онгу қалб янгиланишлари, давлатимиз раҳбарининг жадал иш суръати, мамлакат бўйлаб амалга оширилаётган сафарлар, одамлар билан очик мулоқотлар ҳақида ҳам сўз кетади. Бу тарихий эврилишлар моҳияти ҳамда аҳамиятини содда тилда ва жозиб услубда халққа етказиш устида бош қотираемиз.

Бу суҳбатларда Абдусайднинг табиатидаги соддалик, айни пайтда ўз ишига масъулият, қатъият, энг муҳими, юртга муҳаббат ва садоқат туйғулари мустаҳкам эканига иқрор бўламан.

Чунки ҳақиқий ижоднинг илдизи ҳам ана шу туйғуларда.

Бир вақтлар унинг номи матбуот саҳифаларида камроқ кўрина бошлагани ҳам рост. Гўё ижодиди бир сукут даври бошланган эди. Бироқ мамлакатимизда кейинги йилларда олиб борилаётган жадал ислохотлар ижодкорнинг қалб тубида ётган чўни қайта аланглатиб, ички тугўнини яна уйғотиб юборгандек. Чунки мамлакат ҳаётидаги катта ўзгаришлар ҳар қандай жонсарак ижодкор қалбини бефарқ қолдирмаслиги тайин. Янги йўллар қурилаётган, янги шаҳарлар қад кўтарилган, одамлар тақдирини янги саҳифалар очилаётган бир пайтда қалам соҳибининг сукут сақлаб турниши осон эмас.

Абдусайд Қўчимовнинг ҳам публицистикаси шу тарихқа қайта жонланди. Президентимизнинг худудларга ташрифлари ҳақидаги мақолалар кетма-кет газеталарда эълон қилинди. Бир қарашда бу мақолалар сафар таассуротларига ўхшайди. Аслида эса уларда замоннинг катта манзараси мужассам.

Муаллиф воқеликни кабинетда ўтириб тасвирламади. Балки у ажиб бир иштиёқ билан юрт кезди, одамлар билан суҳбатлашди, ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрди. Қум бўронлари кўз очирмайдиган Устюрт кенгликларидан тортиб Андижоннинг чегара маҳаллаларигача, Навоий саҳроларидан то Сурхондарё соҳилларигача – деярли бутун мамлакат бўйлаб сафар қилди. Шу боис унинг мақолаларидаги образлар жонли, таассуротлар эса самимий.



# ДАВР НАФАСИ ВА ИЖОДКОР МАСЪУЛИЯТИ

Бу ижодий фаоллик ортида қандай куч турибди? Менимча, бу – даврнинг ўзи. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, одамлар қалбиди пайдо бўлаётган ишонч ва умид туйғулари ижодкор қалбини ҳам ҳаракатга келтирмоқда.

Эсимда, 2025 йил 25 ноябрда, олтин кузнинг шафқатли тонгида халқимиз яна бир қувончли воқеага гувоҳ бўлди. Самарқанд вокзалидан йўлга чиққан учкур поезд Зарафшон дарёси ёқалаб, Жомбой ва Булунгур туманлари орасидан шамолдай елиб, Ургутга кириб борди. Аҳамиятлиси, поезд вагониди мана шу тарихий воқеанинг иштирокчиси бўлган юртдошларимизга Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзи ҳамроҳлик қилди.

Ташриф давомидаги учрашуларда, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқарий сессиясида давлатимиз раҳбари томонидан Ургутнинг келажакига доир ўнлаб йирик лойиҳалар тилга олинди. Вилоят иқтисодий ва ҳаётга доир режалар тузилиди, «Йўл хариталари»ни амалга ошириш вазифалари белгиланди.

**ЎШУБ ВОҚЕЛИК ҲАҚИДА ШУ КУНИНГ ЎЗИДАЁҚ ТУРЛИ ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ХУШХАВАРЛАР ТАРҚАЛДИ. ЭРТАСИ КУНИ ЭСА ҲАР ХИЛ МАТБУОТ НАШРЛАРИДА ТУРФА МУНОСАБАТЛАР, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ-Ю ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАҚИДА ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛАЛАР ЧОП ЭТИЛА БОШЛАДИ. АЙТИШИМ КЕРАККИ, УЛАРНИНГ ОРАСИДА ЭНГ ЎҚИШЛИСИ АБДУСАИДНИКИ ЭДИ.**

У «Энди олам аҳлининг қарашлари ўзгача» сарлавҳали мақоласида (мазкур китобга ҳам киритилган) фақат фактлар ёки давлатимиз раҳбарининг ташрифи хроникасини эмас, балки замон руҳини, инсонлар руҳиятидаги ўзгаришлар ва бунёдкорлик моҳиятини очиб берди. Ижодкор маҳоратининг энг аниқ жиҳати – у факт ва таассуротни уйғунлаштириш қобилиятига эга. Мақоладаги ҳар бир воқеа – Ургутдаги темир йўл қурилиши, янги шаҳар инфратузилмаси, санаот корхоналари ёки халқаро анжуманлар – нафақат маълумот сифатида, балки руҳий ва маънавий воқеа сифатида тақдим қилинган. Муаллифнинг фикрлаш услуби образли, ҳар бир воқеа метафора ва драматик тон орқали акс эттирилган.

«Юксалиш симфонияси»да бундай мақолаларнинг 17 таси жамланган. Шу маънода, ушбу китоб – фақат мақолалар тўплами эмас. У – мамлакат ҳаётидаги катта бир даврнинг публицистик харитаси, дейиш мумкин. Ҳар бири бир асар даражасига кўтарилган бу мақолаларда худудлар манзараси ҳам, одамлар тақдирини ҳам, юрт келажакига ишонч ҳам бор. Энг

муҳими, уларда замон нафаси барқ уриб турибди. Ҳар бир давр ўз тарихини фақат қарорлар ва рақамлар орқали эмас, балки қалам соҳиблари ёзган сатрлар орқали ҳам сақлаб қолади. Эҳтимол, йиллар ўтиб бугунги воқеалар тарих саҳифаларига айланар. Аммо уларнинг руҳини, инсонлар қалбиди туйғуларни ана шу сатрлар қайта тирилтиради. Шу жиҳатдан қараганда, «Юксалиш симфонияси» китобини замоннинг маънавий кўзгуси, десак, муболага бўлмайди. Асар давр нафасини ҳис этган ижодкор қалбининг садоси янглиғ авлодларга бугунги тарихий эврилишлардан сўзлайди, уларнинг сурати-ю сийратини англашга тундайди.

**БИНОБАРИН, МУАЛЛИФ ЎЗ КИТОВИДА ФАҚАТ ВОҚЕАЛАРНИ БАЁН ҚИЛМАЙДИ – ДАВРНИНГ ТИРИК МАНЗАРАСINI ЯРАТАДИ. АБДУСАИД КЎЧИМОВ ГЎЁ КАТТА БИР ИЖТИМОЙ ПОЛОТНО УСТИДА ИШЛАЁТГАН РАССОМГА ЎХШАЙДИ. ФАҚАТ УНИНГ МЎЙҚАЛАМИ – СЎЗ, РАНГЛАРИ ЭСА ҲАЁТНИНГ ЎЗИ. УНИНГ МАҚОЛАЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЧАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ЖАРАЁНЛАРИ ҚУРУҚ РАҚАМЛАР ЁКИ РАСМИЙ АХБОРОТЛАР СИФАТИДА ЭМАС, БАЛКИ ҲАРАКАТДАГИ, НАФАС ОЛАЁТГАН ҲАЁТ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛАДИ. ЯНГИ ЙЎЛЛАР, ЯНГИ КОРХОНАЛАР, ЯНГИ ШАҲАРЛАР – БУЛАР КИТОВ САҲИФАЛАРИДА ОДДИЙ ИНШОТЛАР СИФАТИДА ЭМАС, БАЛКИ ЯНГИЛАНИШ РУҲИНИНГ РАМЗИ СИФАТИДА ГАВДАЛАНАДИ.**

Аммо муаллиф маҳорати фақат шу билан чекланмайди. У бунёдкорликни фақат бетон ва темирда эмас, инсон қалбиди ҳам кўра олади. Чунки ҳақиқий янгиланиш, аввало, одамларнинг руҳиятида, кайфиятида, онгу тафаккурида юз беради. Шу боис китоб саҳифаларида биз фақат қурилиш майдонларини эмас, балки одамлар кўзидаги умидни, юзидаги нурни, қалбиди ишончини ҳам кўраемиз. Янги йўллар билан бирга янги орзулар очилаётганини, янги бинолар билан бирга янги тафаккур шаклланаётганини ҳис қилаемиз.

Муаллиф ана шу жараённи ниҳоятда назик ҳис этади. У ўз мақолаларида гўё замоннинг ўзи билан суҳбатлашаётгандек. Шунинг учун унинг сатрларида бунёдкорлик фақат иқтисодий ёки сиёсий жараён сифатида эмас, балки катта маънавий уйғониш сифатида намоён бўлади.

Асарда гўё бутун мамлакат ҳаётини қамраб олган улкан манзара чизилади. Бу манзарада меҳнат қилган инсонлар бор, орзу қилган ёшлар бор, эртанги кунга ишонган халқ бор. Ва ана шу манзара ортида бир даврнинг руҳи, бир миллатнинг янги қадамлари ўз ифодасини топади.

Шу маънода бу китобни ўқиш давр нафасини ҳис этиш, мамлакатда кечаётган ўзгаришларнинг ички мазмунини англаш демак. Шунинг учун мазкур асар фақат публицистик мақолалар тўплами эмас, балки Янги Ўзбекистон даврининг маънавий солномасини яратганига қўшилган салмоқли ҳиссадир.

Юртдошларимиз, айниқса, ёшлар бу каби асарларни, албатта, ўқиши керак. Бу уларнинг қалбини улғайтиради. Ватанпарварлик, халқсеварлик, эл-юрт тақдирга дахлдорлик туйғуларини қучайтиради.

Мазкур сатрлари эъзр эканман, адибнинг ўз туғилган ҳудудиди кутубхона очгани ва ушбу жараёнда қатнашиб ўқиб берган, ёшларни мутолаа завқи билан яшашга ундовчи шеъринг ёдимга тушди. Ва бу шеър мисралари моҳиятан айни кунларда ҳам ниҳоятда долзарбдир:

*Қалқиб турган бу оламда, айтинг, ахир недир аъло,  
Буён бошлар узра кутку солиб турар минг-минг бола,  
Ҳар ўлкага тишчилик истаб бозмалар кулор эмас,  
Китоб билан кириб борган инсонга китобни тасанно!*

*Умр зое кетмайдир у билан чин диллашганинг,  
Бор билиму бойлигини у билан ҳам сирлашганинг,  
Ёруғ эртасига ишонч ортадир бунда кундан-кун,  
Китоб билан дўстлашганинг, китоб билан бирлашганинг...*

*Айланади тўхтамайин теграмизда осмону ер,  
Кимдир бургут бўлмоқ истаб, кимдир истаб бўлмақни шер,  
Қуллайин десанг агар ҳам нодонлик, жоҳилликдан,  
Бор илмин китобдан ол, бор меҳрингни китобга бер.*

*Токи йўқотиш десанг беминнат ул офтобингни,  
Аслар ҳам туйсин десанг «Ўйон!» десан хитобингни,  
Кўз қорандай асра, инсон, ўз боландай асра, инсон,  
Қўлингдани китобингни, кўнглингдани китобингни!*

**Ўткир РАҲМАТ**

**Мароқли дам олинг, азиз газетхон!** **Адолат Исмоилова ижросида Катта ашула «ЁЛГИЗ»** **Баногоҳ учради от ўйнатиб бир дилрабо ёлғиз, Рикобиға суриб кўз, қўл очиб, қилдим дуо ёлғиз...** **Мўъжизий газетчи**

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:  
**Qudratilla RAFIQOV** (tahrir hay'ati raisi),  
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROVI, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),  
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),  
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)  
Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73  
Hududlardagi muxbirlar:  
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27  
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Alijon ABDURAHMONOV  
Musahihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA  
Sahifalovchi: Hasana ABDUJALILOV  
Boisiga topshirish vaqti – 23:00  
Topshirildi – 23:20  
Bahosi kelishilgan narxda  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Manziliimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz  
Nashr ko'rsatkichi: 133  
Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.  
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 285 ta  
Shundan: 6 610 nusxasi  
«Sharq» nashriyot-mabaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –  
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;  
19 477 nusxasi  
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –  
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;  
9 198 nusxasi  
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –  
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-311  
1 2 3 4 5 6